ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
КОСОНСОЙ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
KOSONSOY TUMANI
HOKIMINING
QARORI

2019 йил «30» сентябр Косонсой ш. № 3589

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5-декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2020 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонунининг 25-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага,
2020 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 297 нафарини ташкил этадиган 10,0 фоиз миқдорида, шу жумладан:
ногиронлар учун 3,0 фоиз (89 киши);
умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 4,0 фоиз (119 киши);

Raqamli imzo Namangan viloyati Kosonsoy tumani hokimligi
Rasmiy nusxa uchun
ASLIGA TO'G'RI

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 1,3 фоиз (38 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,5 фоиз (14 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,4 фоиз (11 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,6 фоиз (19 киши);

ижтимоий муҳофазага мухтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,3 фоиз (8 киши) миқдорида иш ўринлари заҳирасини белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш, шу жумладан қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар рўйхати қуйидагича белгилансин:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, тикувчи, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг

Raqamiy nusxalar uchun
ASLIGA TO'G'RI

раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш;

йил бошлангунга қадар ўн кундан кечикмай ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин, ушбу тўғрисида туман Бандликка кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот берилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлаш, бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин ўн кундан кечикмай ахборот бериш;

ташкилотлар ҳар чоракда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига юқорида кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ушбу низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этиши;

банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қараши лозимлиги қайд этилсин.

6. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 21-бандига мувофиқ маъмурий жавобгарлик белгиланиши кўрсатиб ўтилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 31.05.2019 йил кундаги АВ №3163-сонли буйруғига асосан “ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни, квоталанган иш ўринларининг энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган корхона, ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида, ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида

Raqamli nusxalar uchun
ASLIGA TO'G'RI

ҳақ тўлаш тўғрисида” норма белгиланганлиги маълум қилинсин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (З.Ахмедов) беш кун муддатда ушбу қарорни 1-бандида кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Ушбу қарор “Косонсойнома” туман газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Қаюмов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Б.Юсупов**

Respublikasi Namangan viloyati Kosonsoy tuman hokimligi * O'zbekistan
Rasmiy nujjatlar uchun

ASLIGA TO'G'RI

Туман ҳокимининг 2019 йил
30-сентябрдаги 3589 -сонли
қарорига 1-илова

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси

1. М. Қаюмов - Туман ҳокимининг ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосарлари

2. З. Ахмедов - Туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари

3. Н.Ғайбуллаева - Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Косонсой тумани бўлими бошлиғи
4. М. Аълохонова - Туман халк таьлими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири
5. Ш.Жўраев - Туман ҳокимлиги хузуридаги Жазони ижро этиш жойларидан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари
6. М. Улуханов - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби
7. Д. Соттиев - Бандликка кўмаклашиш маркази мутахассиси, комиссия котиби.

Изоҳ: комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.

Туман ҳокими ўринбосари **М. Қаюмов**

Туман хокимининг
2019 йил "30" 09 даги
3589 -сонли қарорига
2- илова

Тумандаги ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати

Р У Й Х А Т И

№	Ташкилотлар	Жами ишловчилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўринлар сони	Шу жумладан													
				Ногиронлар учун (3 фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун		Пенсияолди ёшидаги шахслар учун		Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун		Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун		Ижтимоий мухофазага мухтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун	
				сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
1	Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси	1528	153	46	3,0	80	5,2	12	0,8	5	0,3	2	0,1	6	0,4	2	0,1
2	Косонсой давлат ўрмон хўжалиги	85	9	3	3,1	3	3,5	2	2,4	0	0,0	1	1,2	1	1,2	0	0,0
3	Косонсой туман ирригатсия бўлими	63	6	2	3,2	1	1,6	0	0,0	1	1,6	1	1,6	0	0,0	1	1,6
4	"BARKAS-TEKS" масъулияти чекланган жамият	100	10	3	3,0	2	2,0	2	2,0	0	0,0	0	0,0	1	1,0	2	2,0
5	"KOSONSOY TUMAN YO`LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxonasi	101	10	3	3,0	2	2,0	2	2,0	0	0,0	2	2,0	1	1,0	0	0,0
6	Ободонлаштириш бошкармаси	252	25	7	2,8	4	1,6	8	3,2	1	0,4	1	0,4	3	1,2	1	0,4
7	22-сонли ихтисослашган мактаб интернати	59	6	2	3,4	2	3,4	2	3,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
8	45-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаси	112	11	3	2,7	4	3,6	2	1,8	2	1,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0
9	Кекса ногирон уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси	103	10	3	2,9	3	2,9	2	1,9	1	1,0	0	0,0	1	1,0	0	0,0
10	"Косонсой санаторийси" масъулияти чекланган жамият	91	9	3	3,3	2	2,2	1	1,1	1	1,1	1	1,1	1	1,1	0	0,0
11	Болалар ўсмирлар спорт мактаби	79	8	2	2,5	2	2,5	1	1,3	0	0,0	1	1,3	1	1,3	1	1,3
12	10-махсус мактабгача таълим муассасаси	82	8	3	3,7	3	3,7	1	1,2	1	1,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0
13	23-махсус мактабгача таълим муассасаси	65	7	2	3,1	3	4,6	1	1,5	0	0,0	0	0,0	1	1,5	0	0,0
14	Косонсой "Пахта толаси" А/Ж	251	25	7	2,8	8	3,2	2	0,8	2	0,8	2	0,8	3	1,2	1	0,4
ЖАМИ		**2 971**	**297**	**89**	**3,0**	**119**	**4,0**	**38**	**1,3**	**14**	**0,5**	**11**	**0,4**	**19**	**0,6**	**8**	**0,3**

Туман хокимининг биринчи ўринбосари М.Қаюмов

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини директори З. Ахмедов

Adolat kuchda emas, kuch adolatdadir! Amir TEMUR.

KOSONSOYNOMA

Tuman hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi

• web sayt: www.kosonsoynoma.uz
• e-mail: kosonsoynoma@inbox.uz

2019-yil, 11-oktabr, juma 21-son (5966) Gazeta 1932-yil, 15 dekabrdan chiqa boshlagan • ISSN 2181-0060

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

Нияти улуғ халқнинг - иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.
Шавкат МИРЗИЁЕВ.

• ПАХТА - 2019

МАВСУМ АВЖИДА

Барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан тармоқлар босқичма-босқич кластер услубига ўтказилмоқда. Энг муҳим жиҳатлардан бири, меҳнатга яраша иш ҳақи тўлаш тизими жорий этилаётир. Бундай оқилона ёндашув самараси эса жорий йилдаги пахта йиғим-терими мавсумида ҳам акс этмоқда.



Бу йил Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра қўлда териб олинган ҳар бир килограмм пахта учун биринчи теримда 800 сўм, иккинчи теримда 1 минг 200 сўм ҳақ тўланадиган бўлди. Меҳнатга яраша муносиб рағбат белгиланган эса қизғин палла суръатига суръат қўшмоқда. Чунки пахта терими фермер хўжаликлари аъзолари, айниқса, аҳолининг иш билан банд бўлмаган

Муҳими, бундай тартиб йўлга қўйилиши натижасида мажбурий меҳнатга барҳам бериляпти. Ўтган йилги тажрибадан маълум, ижобий ўзгаришлар туфайли тиббиёт ходимидан тортиб ўқитувчигача ўз вазифасини бажаряпти, яъни улар теримга жалб этилмаяпти. Фермер хўжаликлари аъзолари ҳамда маҳаллалардаги уюшмаган аҳолининг ўзи ҳосилни ҳеч қандай муаммолар-

тўлаш белгиланган. Мана шун- тор хожи-5“ “Зарина мех- гимиз хисобланган “оқ олтин“-

KOSONSOYNOMA
Tuman hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi
2019-yil, 11-oktabr, juma 21-son

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Бошланиши 2-саҳифада

5-Юмалоқ Шайх Мозор сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Юмалоқ Шайх Мозор маҳалласи, Қардошлик кўчаси 3-уй, 16-сонли мактаб биноси.

Косонсой туманининг: Юмалоқ Шайх Мозор МФЙ, "Чуст кўча" МФЙ ҳудудидаги "Дукор тепа" кўчаси ҳудудлари чегараларида (2317).

6-Мажнунтол сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани Мажнунтол маҳалласи, Мажнунтол кўчаси 4-уй, 15-сонли мактаб биноси.

Косонсой туманидаги "Мажнунтол" МФЙдаги "Шўрхок" кўчасидаги хонадонлардан ташқари барча хонадонлар, "Чуст кўча" МФЙ ҳудудидаги "Дукор тепа" кўчасидан ташқари барча кўчалари чегараларида (2902)

7-Гулбоғ сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани Гулбоғ маҳалласи, Гулбоғ кўчаси 151-уй, 18-сонли мактаб биноси.

Косонсой туманидаги "Гулбоғ", Такаранг маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (4761)

8-Ширинбулоқ сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани Ширинбулоқ маҳалласи, Гўзалкент кўчаси, 2-уй, Косонсой туманидаги 42-сонли мактаб биноси.

Косонсой туманидаги Ширинбулоқ, Чўнгбош маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (4611)

9-Узунқишлоқ сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани Узунқишлоқ маҳалласи Узунқишлоқ кўчаси, Косонсой туманидаги 21-сонли мактаб биноси.

Косонсой туманидаги Узунқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини чегараларида (2331)

10-Чиндовул сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани Чиндовул маҳалласи, Ғазалкент кўчаси, 121-уй, Косонсой туманидаги 20-сонли мактаби биноси.

Косонсой туманидаги Чиндовул МФЙ, Учқўрғон МФЙ Дам кўчасидан ташқари барча кўчалари чегараларида (5034)

11-Равот сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани Равот маҳалласи, Равот кўчаси, Косонсой туманидаги 17-сонли мактаб биноси.

Косонсой туманидаги Равот ва Ободон маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (5988)

12-Тергачи сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Сой бўйи маҳалласи Сой кўчаси, Косонсой қурилиш ва уй жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси.

Косонсой туманининг: "Сой бўйи", "Гузар" "Боғ" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (5402)

13-Чак сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Чак маҳалласи, Чак кўчаси 4-уй

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2020 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5-декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2020 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 25-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, 2020 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасига асосан туманда ришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш, шу жумладан қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун - махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган ёшлар учун - ёшлар ишлаб чиқаришда амалиёт ўташ учун ташкилотлар ихтиёрида бўлган иш ўринлари;

ногиронлар, ёлғиз оналар, 14 ёшгача болалари бор кўп болали оналар, ёлғиз оталар, 14 ёшгача болалари бор кўп болали оталар, 18 ёшгача ногирон болалари бор ота-оналар, ногирон болаларни тарбиялаётган васийлар ва ҳомийлар учун - ногирон болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

ногиронлар, ёлғиз оналар, 14 ёшгача болалари бор кўп болали оналар, ёлғиз оталар, 14 ёшгача болалари бор кўп болали оталар, 18 ёшгача ногирон болалари бор ота-оналар, ногирон болаларни тарбиялаётган васийлар ва ҳомийлар учун - уйда ишлаш имконини берадиган иш ўринлари;

ногиронлар учун - ногиронлик даражасини ва ишлаш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, ногиронлар учун ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарида ва ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун ташкил этилган бошқа корхоналарда иш ўринлари;

ногиронлар учун - ногиронлик даражасини ва ишлаш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, ногиронлар учун ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарида ва ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун ташкил этилган бошқа корхоналарда иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин, ушбу тўғрисида туман Бандликка кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот берилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлаш, бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин ўн кундан кечикмай ахборот бериш;

ташкилотлар ҳар чоракда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига юқорида кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ушбу низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этиши;

банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қараши лозимлиги қайд этилсин.

6. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш

12-Тергачи сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Сой бўйи маҳалласи Сой кўчаси, Косонсой қурилиш ва уй жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси.

Косонсой туманининг: "Сой бўйи", "Гузар" "Боғ" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (5402)

13-Чак сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Чак маҳалласи, Чак кўчаси 4-уй Косонсой туманидаги 27 сонли мактаб биноси.

Косонсой туманининг: Чак маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудлари чегараларида (2389)

14-Булоқбоши сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Булоқбоши маҳалласи, Косонсой туманидаги 26-сонли мактаб биноси.

Косонсой туманининг: "Булоқбоши" МФЙ, Хонқўрғон МФЙ таркибидаги "Қайтмас" аҳоли пункти, "Гузар" МФЙнинг "Оқ ер" кўчасидаги хонадонлар, Хонқўрғон МФЙ таркибидаги "Қайтмас" аҳоли пунктидан ташқари хонадонлар ва Учқўрғон МФЙ "Дам" кўчаси ҳудудлари чегараларида (3885).

15-Навбаҳор сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Навбаҳор маҳалласи, Косонсой туманидаги Косонсой қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биноси.

Косонсой туманининг: "Қўқимбой" МФЙ, "Бўстон" МФЙ ҳудудидаги "Тинчлик" аҳоли яшаш пункти, "Бўстон" аҳоли яшаш пункти, "Навбаҳор" МФЙ ҳамда "Янги йўл" МФЙ ҳудудидига "Муқаддас ватан кўчалари ҳудудлари чегараларида (5179).

16-Янги шаҳар сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Янги йўл маҳалласи, Ўқитувчилар кўчаси, 1-уй, Косонсой туманидаги 33-сонли мактаб биноси.

Косонсой туманининг: "Янги шаҳар" МФЙнинг М-2 каналидан юқорида жойлашган ("Гулхан" ва "Бободеҳқон" кўчалари, "Янги жой".(аҳоли пункти) дан ташқари барча хонадонлар, "Янги йўл" МФЙ ҳудудидаги "Муқаддас ватан" кўчаларидан ташқари барча кўчалари ҳудудлари чегараларида (2998)

17-Бешкетмон сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Бешкетмон маҳалласи, Бешкетмон кўчаси 2-уй, Косонсой туманидаги 32-сонли мактаб биноси.

Косонсой туманининг: Бешкетмон МФЙ, "Бўстон" МФЙ ҳудудидаги "Тинчлик" аҳоли яшаш пункти ва "Бўстон" аҳоли яшаш пунктидан ташқари барча хонадонлар, Қозоқовул МФЙ, "Янги шаҳар" МФЙнинг М-2 каналидан юқорида жойлашган ("Гулхан" ва "Бободеҳқонкўчалари, "Янги жой" (аҳоли пункти)даги барча хонадонлар ҳудудлари чегараларида (5611);

18-Гўрмирон сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Гўрмирон маҳалласи, Саккизқўрғон кўчаси 70-уй, Косонсой туманидаги 35-сонли маткб биноси.

Косонсой туманининг: Гўрмирон МФЙнинг Касирати кўчасидан ташқари хонадонлар, "Ёшлик", Тагижар МФЙ, Гўрмирон МФЙнинг Касирати кўчалари ҳудудлари чегараларида (5563).

19-Боғишамол сайлов округи

Маркази: Косонсой тумани, Тагижар маҳалласи, Дўстлик кўчаси 9-уй, Косонсой туманидаги 41-сонли мактаб биноси.

Давоми 4-саҳифада

жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 297 нафарини ташкил этадиган 10,0 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,0 фоиз (89 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 4,0 фоиз (119 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 1,3 фоиз (38 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,5 фоиз (14 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,4 фоиз (11 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,6 фоиз (19 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,3 фоиз (8 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса - махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар рўйхати қуйидагича белгилансин:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, тикувчи, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш;

йил бошлангунга қадар ўн кундан кечиқмай ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринларининг рўйхатини ва уларга тақдирда шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 21-бандига мувофиқ маъмурий жавобгарлик белгиланиши кўрсатиб ўтилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 31.05.2019 йил кундаги АВ № 3163-сонли буйруғига асосан "ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни, квоталанган иш ўринларининг энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган корхона, ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида, ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш тўғрисида" норма белгиланганлиги маълум қилинсин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (З. Ахмедов) беш кун муддатда ушбу қарорни 1-бандида кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Ушбу қарор "Косонсойнома" туман газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Қаюмов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими
Косонсой шаҳри.
2019 йил 30 сентябрь.

Б. ЮСУПОВ.